
САЙЁР ҚАБУЛ

Ёзёвон тумани Сойбўйи маҳалла фуқаролар йиғини биносида Фарғона вилоят судининг судьялари томонидан жиноят ва ҳуқуқбузарликлар, фуқаролик, оила ва меҳнат низолари ҳамда тадбиркорлик субъектлари иштирокидаги низолар ва бошқа суд-ҳуқуқ масалалари юзасидан сайёр қабул ўтказилди.

Қабулда Фарғона вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати судьяси Ш.Тошмирзаев, жиноят ишлари бўйича Ёзёвон туман судининг раиси Р.Арапов ва жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг судьяси К.Раҳимов ҳудуд фуқароларига, шунингдек "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизларга ҳуқуқий масалаларда маслаҳатлар беришди. Янги қабул қилинган қонунлар, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда фуқароларни қўйнаб келаётган муаммолар бўйича тушунтириш ишлари амалга оширилди.

Р.АРАПОВ,

ЖИБ туман судининг раиси.

ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2022-09-20 22:52:24